

А Ж Р И М

/ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида/

2022 йил сентябрь ойининг “27” куни, Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди, Олтиариқ тумани “Янги араб” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: А.Улмасов,

Судья ёрдамчиси Ҳ.Маманазаровнинг котиблигида, тарафлардан: Фарғона вилояти Олтиариқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси Р.Умаров, гумонланувчи Ж.Тусматов ва унинг ҳимоячиси, Фарғона шаҳар “Ниқуқіу хізма” адвокатлик бюросининг адвокати С.Ҳожиев ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили Б.Тавакаловларнинг иштирокида, Тусматов Жамшидjon Шухратjon ўғлига оид 1-1514-2202/418-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

1996 йил 07 сентябрь куни Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, “Азимобод” маҳалла фуқаролар йиғини, Чимён кўчасининг 54-уйида истиқомат қилувчи **Тусматов Жамшидjon Шухратjon ўғли** (Tusmatov Jamshidjon Shuhratjon o‘g‘li),

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумонланувчи тариқасида жалб этилган;

Суд, гумонланувчи ва жабрланувчини қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, уларнинг аризалари ва жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини судга юбориш ҳақидаги қарордан кўриниши-ча, Тусматов Жамшидjon Шухратjon ўғли, 2022 йилнинг 16 август куни соат тахминан 18:00 ларда ишончномасиз ва суғурта полисисиз фуқаро Тўхтасинов Миродил Холдоралиевичга тегишли бўлган бошқарувидаги “Газ- 2410” русумли давлат рақами 40 К 243 SA бўлган автомашинани Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, “Азимобод” маҳалласи, Бахт кўчасида бошқариб кетаётиб, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-бандида кўрсатилган “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак”, 77-бандида кўрсатилган “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши



керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган талабларини кўпол равишда бузиб, йўлнинг ўзига нисбатан ўнг томонидан чап томонига ўтаётган велосипедчи 2016 йилда туғилган вояга етмаган Тавакалов Боймуроджон Бобомурод ўғлини уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

2022 йил 31 августдаги 5669-сонли суд тиббий экспертизаси, вояга етмаган Тавакалов Боймуроджон Бобомурод ўғлида “очиқ калла мия жароҳати, ўнг чакка суягини чизикли синиб, асосга ўтиши, бош мия тўқимасини лат ейиши, ўнг чакка-тепа соҳасини лат еган яраси, ўнг кўз қовоқларини қонталаша, ўнг чакка, пешона, ўнг тирсак бўғими ва ўнг тизза бўғимларини шилинмалари”дан иборат тан жароҳатлари борлиги, ушбу тан жароҳатлар “оғир” шикастлар тоифасига кириши ҳақида хулоса берган.

Фарғона вилояти Олтиариқ туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги Тергов бўлими терговчисининг 2022 йил 18 сентябрдаги қарорига кўра, гумонланувчи Тусматов Жамшиджон Шухратжон ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши, ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Шунингдек, дастлабки суриштирув ва суд жараёнида жабрланувчининг қонуний вакили Тавакалов Бобомурод Жўрабой ўғли гумон қилинувчи Тусматов Жамшиджон Шухратжон ўғлига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида ярашув асосида жиноят ишини тугатиш тўғрисида аризалар тақдим қилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлиб ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили билан ярашса, шунингдек етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, гумон қилинувчи Ж.Тусматов, жабрланувчини қонуний вакили Б.Тавакаловнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Олтиариқ туман прокурори катта ёрдамчиси Р.Умаровнинг, ҳимоячи С.Ҳожиевларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, гумон қилинувчи Ж.Тусматовнинг айбига ихтиёрий иқроор ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчини қонуний вакилининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Ж.Тусматовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчининг қонуний вакили Каримов Акмал Мухаммадрофиқовичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал



кодекси 583-моддасининг 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, улар мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисми, 583-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумонланган **Тусматов Жамшиджон Шухратжон ўғли** (Tusmatov Jamshidjon Shuhratjon o'g'li)га нисбатан юритилган 1-1514-2202/418-сонли жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига кўра, тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчини қонуний вакили Тавакалов Бобомурод Жўрабой ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-модда талаблари, яъни мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида, шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий тартибда шикоят ёки хусусий протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

А.Улмасов

